

## БУЮК КОМПОЗИТОР И.С.БАХ ИЖОДИГА НАЗАР.

**Зилола Шакарбоева Учқун қизи**  
Ж.Д.П.И. Муסיқа Маданияти факультети,  
Муסיқа таълими йўналиши 2-босқич талабаси  
**М.Ахророва**, илмий раҳбар  
Ж.Д.П.И. Муסיқа маданияти факультети  
Муסיқа таълими кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада И.С.Бах ижоди ёритилган бўлиб, унда композиторнинг бир қатор муסיқий асарлари таҳлили келтирилган.

**Таянч сўзлар:** прелюдия ва фуга, клавир, фортепиано, композитор, тоналлик, мажор, минор.

Буюк немис композитори Иоган Себастьян Бах 1685-йилда Эйзенаҳда туғилади. Бахлар авлоди азалдан ўзининг муסיқий иқтидори билан шуҳрат қозониб келишган. У скрипкада илк ижро услубларини отасидан ўрганadi. Бах ажойиб овоз соҳиби бўлиб шаҳар мактаби хорида куйларди. 10 ёшлигида акаси томонидан гимназияга жойлаштирилади. Аммо бу тиришқоқ бола учун жуда зерикарли машғулотлар ҳисобланади ва шу сабабли 15 ёшида мустақил ҳаёт кечиришни истаб Луннебург шаҳрига кўчиб ўтади. Бах ўша даврнинг энг машҳур органчиси ва клавесинчиси Хуи Маршан билан мусобақалашини учун Дрездеу шаҳрига таклиф қилинади. Улар олдиндан ўзаро танишини мақсадида ҳар иккиси ҳам клавесинда ўз ижро маҳоратини кўрсатишади. Маршан ўша кечанинг ўзида Бахнинг сўзсиз устунлигини тан олган ҳолда шошилинич равишда шаҳардан жўнаб кетади.

Бах Мюлхаузен шаҳрида “**Танланган кантанта**”ни ёзди. Ушбу кантанта Бах ҳаётлиги даврида нашр этилган ягона асардир. Композитор вафотидан кейин унинг ижоди бир неча йиллар давомида унут бўлиб кетади. Шуман ва Листнинг тарғибот фаолиятлари туфайли XX-асрдан бошлаб буюк композиторнинг муסיқаси қайтадан ҳаёт юзасини кўрди. Кейинчалик Мендолсин томонидан Бахнинг буюк асари Матфей бўйича эҳтирослар омма олдида ижро этилади. Лекин Бах ижодининг асл моҳиятини биринчи бўлиб

Мотцарт ва Бетховен очиб беради. Бах асарлари билан танишиб чиққан Мотцарт шундай деб хитоб қилган: Бу ерда ўрганишга арзийдиган нарсалар кўп. Бетховен эса завқ ва ҳаяжон билан Бах тўғрисида шундай деган эди: У жилға эмас, океан.

Бах икки томли тўплами 48 та прелюдия ва фугалардан иборат бўлган, Яхши температурацияланган клаверь асарини яратади. Бу асар мажор ва минорнинг ҳамма тоналликларидан ёзилган. Ҳар бир фугадан олдин прелюдия келиб, фуга билан прелюдия бўлинмас икки қисмли туркум ҳосил бўлади ва ҳамма вақт тўлиқ ижро қилинади. Бах бу тўпламига кирувчи прелюдия ва фугалари маълум тартиб бўйича ёзган бўлиб, юқори чиқувчи гамма товуш қаторидаги **до** дан **си** гача бўлган ҳамма товушларни ўз ичига олган. Яхши созланган прелюдия ва фугалар бир-биридан ярим тон масофада бўлиб, мажор тоналлигидан кейин албатта номдош минор тоналлиги келади.

Бахнинг прелюдия ва фугалари ўзининг мазмуни ва ифода этувчи туйғулари бўйича ғоят хилма-хилдир. Уларнинг гоҳо хомуш, мулойим, гоҳо шўх, гоҳо қувноқ, гоҳо қайғули, тантанали, гоҳо маҳорат ва қаҳрамонлик, гоҳо нозик, ҳаёлчан туйғуларни ифода этади.

Бах ёзган Яхши температурацияланган клавирини педагогик ўқиш мақсадида ўз болалари учун ёзган лекин мусиқа дунёсида бу клавир кўп янгиликларни очди:

1. Яхши температурацияланган клавирнинг маъноси тенг, баробар 24 тоналликлар бўйича хроматик ярим тонлардан тузилган.

2. Апликатурада 5 та бармоқ билан фойдаланиш йўлини очади.

3. Прелюдия ва фугаларни мустақил цикл билан бир тоналликда ёзилишини яратган.

4. Динамика ва агогикани ҳам яратган.

5. Оғишмалар, модуляция, гармониянинг усуллари прелюдия ва фугаларда кўп пайдо бўладиган шаклни аниқланди.

6. Прелюдия ва фугалар кўпинча гаммафоник ва гармоник усулда ёзилган. Ўрта ва якуний коденцияларда Д дан фойдаланган.

Иоган Себастьян Бах ҳаёти давомида Яхши созланган клавир 2-жилдини яратади. 1-жилдини 1722-йилда ҳаётлик вақтида нашр қилинган. 2-жилдини Лейпсик даврида яратган ва у ўлимдан 50 йил ўткандан кейин нашр қилинган.

Бах мусиқий асарларини ҳар томонлама мукамал қилиб яратди. Шунинг сабабдан улар оммага, халқга бирдек манзур бўлган. Лекин композиторнинг кўпгина асарлари ҳаётлик даврида нашр қилинмаган ҳамда кўпгина асарларини ҳам ҳаётлик даврида катта сахналарда кўриш насиб этмаган. Аммо шундай бўлсада буюк композитор И.С.Бахнинг асарларини бутун дунё тан олган ва севиб тинглаб келинаётган асарлар қаторидан ўз ўрнини муносиб эгаллаб, тингловчилар қалбида ҳали ҳануз ўчмас из қолдириб келмоқда.